

ТАСДИҚЛАЙМАН



Фарғона вилоят Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари
Н.Полвонов

Фарғона ш.

12.09.2022 йил

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан 08.09.2022 йил кунги лот №143771 билан Маркшейдерлик хизмати бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 8/22

Қатнашдилар:

М.Абдумажидов - Бош ҳисобчи
А.Хамраев - Ички Аудит бўлими бошлиғи ўринбосари
А.Эсоналиев - АКТ бўлими бошлиғи
Қ.Тожибоев - Бош инспектор

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "GEOLOGIYA -MARKSHEYDERLIKXIZMATI" davlat korxonasi
2. ООО ASIA QUARTZ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи "GEOLOGIYA -MARKSHEYDERLIK XIZMATI" давлат корxonаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

М.Абдумажидов

А.Хамраев

А.Эсоналиев

Қ.Тожибоев

Ё.Юнусов

Йиғилиш котиби:

2022 йил “19” сентябр

Тошкент ш.

Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиги А.Тиллаволдиев бундан кейин “Буюртмачи”, корхона Низомига (Устав) асосан ҳаракат қилувчи бир томондан ва “**Геология-маркшейдерлик хизмати**” ДК директори **Ф.Х.Шарипов** бундан кейин “Ижрочи”, корхона Низомига (Устав) асосан ҳаракат қилувчи иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

1. Умумий қоидалар ва шартнома мавзуси

1.1. “Буюртмачи” топографик-маркшейдерлик ишларини бажаришда кўзда тутилган барча ишларни, “Ижрочи” ўз кучи ва техник воситалар билан амалга оширади.

1.2. “Буюртмачи” “Ижрочи”га мазкур шартноманинг қийматидан 30% миқдоридан олдиндан 10 банк иш кунида бўнак (аванс) тўлаши шарт, акс ҳолда шартнома бир томонлама ҳам бекор қилинади.

1.3. “Буюртмачи” топографик-маркшейдерлик ишларини бажарилиши учун керакли материаллар ва ҳужжатларни тақдим этади, сўнг “Ижрочи” томонидан ишлар амалга оширилади.

1.4. “Ижрочи” смета-молиявий ҳисобга (2-илова) мувофиқ “Буюртмачи”нинг **Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 720-сон қарорига** мувофиқ топографик-маркшейдерлик ишларини бажаради.

1.5. “Ижрочи” геология соҳасидаги амалдаги услубий кўрсатмалар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишларни бажаради

1.6. Ишларни қабул қилиш ва баҳолаш бажарилган ишларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан амалга оширилади.

1.7. Зарурат ҳолларида ишларнинг турлари ва ҳажмлари, шунингдек уларни бажариш муддатлари томонларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши мумкин.

1.8. “Ижрочи” белгиланган муддатларда мазкур Шартноманинг мавзуси бўлган топографик-маркшейдерлик ишларини бажарилишини сифатли бажарилишини таъминлайди.

2. Иш қиймати ва ҳисоблаш тартиби

2.1. Шартномага асосан иш қийматининг келишилган нарх тўғрисидаги баённомасига (1-илова) мувофиқ

Шартнома умумий қиймати иловага мувофиқ **249 990 000 (Икки юз қирқ тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўм** ташкил этади (**ҚҚСсиз**). (2-илова)

2.2. Иш қиймати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 23 октябрда 2395-сон билан руйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 05-сонли 03.09.2012 йилда тасдиқланган ва Молия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, Архитектура ва қурилиш Давлат Қўмитаси билан келишилган жорий нархларда белгиланди. Иш қиймати материаллар, энергия ресурслар ва топографик-маркшейдерлик ишларини бажаришда қўлланадиган асосий воситаларнинг қийматларига бўлган нархлар ўзгартилиши муносабати билан, шунингдек қўшимча шартнома тузилиши лозимлиги билан нарх шаклланишига таъсир қилаётган Ҳукумат қарорлари билан ўзгариши мумкин.

2.3. Иш қиймати ва шартнома суммаси ишлар бажарилиши вақтида охири амалдаги “Вақтинча қимматлашиш коэффициентлари”ни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин. Тегишли асослар мавжудлигида ўзгариш “Буюртмачи” ва “Ижрочи” ўртасида шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

2.4. Бажарилган ишлар далолатномаси иш бажарувчилари томонидан тасдиқланади ва “Буюртмачи” ва “Ижрочи” раҳбарияти томонидан имзоланади. “Буюртмачи” бажарилган ишлар далолатномаси имзолагандан сўнг 10 банк иш куни ичида топографик-маркшейдерлик ишларини бажарилиши учун тўлиқ тўловни амалга оширади.

2.5. “Ижрочи” бажарилган ишлар бўйича тўлов суммаси 100% тўлангандан сўнг бажарилган иш ҳужжатлар тўпламини “Буюртмачи”га топширади.

3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилиги ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мазкур шартноманинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

3.2. Бажарилган ишлар учун тўлов ўз вақтида тўланмаганда “Буюртмачи” “Ижрочи”га ҳар бир кечиктирилган иш қиймати куни учун 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

3.3. Бажариладиган иш сабабсиз кечиктирилган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га ижро этилмаган иш қиймати қисмидан 0,4% миқдорида, аммо бажарилмаган иш қиймати тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4. Форс-мажор

Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун (3 кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт), агарда бу табиат ҳодисалари (зилзила, ўпирилиш, бўрон), бошқа табиий офатлар ёки томонлар иродаси ва ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, блокада) ва фавқулодда юзага келадиган ҳолатлар юз берса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

5. Низоларни бартараф этиш тартиби

5.1. Мазкур шартнома юзасидан юзага келадиган низолар музокара ёки даъво келтириш йўли билан ҳал қилинади.

5.2. Низолар бартараф этилмаган ҳолларда низо “Ижрочи” жойлашган жойи бўйича иқтисодий судга мурожаат қилинади.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгаришлар, қўшимчалар агар фақат улар ёзма равишда ёзилган бўлса, иккала томонидан имзоланган бўлса, муҳрланган ҳолларда ҳақиқий ҳисобланади. Улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.2. Томонлар ўзаро розилиги билан, форс-мажор ҳолатлар факти билан ёки томонларнинг бири ўз мажбуриятларини бажарилмаганлиги ҳолларда мазкур Шартномани бекор қилишлари мумкин.

6.3. Ҳар бир ҳолатда тегишли далолатнома тузилади ва иккала томонидан имзоланади.

6.4. Ўз мажбуриятларини бажармаган томоннинг далолатномани имзолашдан бош тортиши шартномани иккинчи томони билан бир тарафлама бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

6.5. Мазкур шартномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади: Келишилган нарх тўғрисидаги келишув баённомаси – 1-илова;

Топографик-маркшейдерлик ишларини бажариш қийматининг смета-молиявий ҳисоби 2-илова.

6.6. Шартнома шартларини бажариш даврида томонлар ўзаро келишув асосида иш қийматини ўзгартириши мумкин.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Шартнома иккала томондан имзоланган вақтдан эътиборан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

7.2. Мазкур шартнома ҳар бир томон учун 2-нусхада тузилди, уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ

Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси

Манзил: Фарғона шах. Сайилгоҳ кўч. 31-уй

телефон: ШХР 10002 18603040 170 1133 2093002

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

ШХР 400110860304017011332093002

Марказий Банк ХККМ

Банк коди: 00014

СТИР: 201 122 919

ИЖРОЧИ

“Геология-маркшейдерлик хизмати” ДК

Манзил: 100074, Тошкент ш., Яшнобод

тумани, М.Ашрафий кўчаси, 70 уй

тел.: 0-371-283-68-30, факс: 283-68-30

х/р: 2021 0000 7007 1514 5001 ҲАТБ


“АСАКА БАНК” Тошкент вилоят ф-л.

Банк коди: 00411 СТИР: 304 558 021

ИФУТ: 09900 ҚҚС: 326050001388



А.Тиллаволиев



М.ў.

Ф.Х.Шарипов

Бош юристконсулт

Handwritten signature

**КЕЛИШИЛГАН НАРХ ТЎҒРИСИДА
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**


2022 йил “19” сентябр

22/217 - сонли шартномага

Биз, қуйида имзо чекувчилар, **Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси** бошлиғи **А.Тиллаволдиев** “Буюртмачи” томонидан ва “**Геология-маркшейдерлик хизмати**” ДК директори **Ф.Х.Шарипов** “Ижрочи” томонидан, томонлар билан **249 990 000 (Икки юз қирк тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўм** миқдорида смета-молиявий ҳисобида назарда тутилган топографик-маркшейдерлик ишларини бажариш бўйича шартнома нарх миқдори ҳақида шартнома қабул қилинганлигини тасдиқлаймиз.

БУЮРТМАЧИ

Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси



_____ **А.Тиллаволдиев**

ИЖРОЧИ

“Геология-маркшейдерлик хизмати” ДК



_____ **Ф.Х.Шарипов**

Смета финансовый расчет

Категория трудности 2

№.№	Наименование работ	Ед. изм.	полная сметная стоимость		
			объем	Ст-ть. ед-цы	сумма
1	2	3	4	5	6
Топогеодезические работы					
I.	1. Полевые работы				
1.1	Отыскание, обследование, наблюдение на исходных пунктах с К - 0,7	пункт	7,7	3 833 307,0	29 516 463,9
1.2	Закладка рядовых грунтовых реперов в районах сезонного промерзания грунта, изготовленных на месте закладки	штук	30	466 411,9	13 992 357,9
1.3	Определение координат пунктов съемочного обоснования спутниковыми приемниками	пункт	30	865 747,0	25 972 410,0
1.4	Тахеометрическая съемка в масштабе 1:1000 с высотой сечения рельефа через 1 м	кв.км	7,7	4 049 402,0	31 180 395,4
1.5	Разбивка точек маркшейдерские наблюдений	тчк	77	76 876,4	5 919 486,2
1.7	Маркшейдерские работы при проходке подземных горизонтальных горных выработок	пн.м	63	587 165,0	36 991 395,0
II.	2. Камеральные работы				
2.1	Определение координат пункты по картам	пункт	7,7	23 247	179 001,9
2.3	Составление и вычерчивание топографических планов тахеометрической съемки в масштабе 1:1000 с высотой сечения рельефа 1 м	кв.дм	230	39 057	8 983 110,0
2.4	Вывод и распечатка копий планов на бумаге(в одном экземпляре)	кв.дм	154	178 732	27 524 666,4
2.5	Составление заключений	лист	231	124 701	28 805 993,4
	Итого			10 244 646	209 065 280
III.	Сопутствующие работы и затраты				
	Полевое довольство (5,1%)	сум			10 662 329
	Транспортировка (14,3%)	сум			30 262 390
	Итого	сум			40 924 720
	ВСЕГО				249 990 000

Смету составил:

Экономист

Неъматиллов Б.А.

Начальник маркшейдерского отдела

Жураев О.И.